

Сийрат дарслари (98-дарс). Қабрларни зиёрат қилинг, охиратни эслатади



13:00 / 14.08.2020 3592

398. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни хутба қилиб, саҳобаларидан бир кишининг қабз қилинганини зикр этдилар. У нолайиқ кафан билан кафанланган ва кечаси қабрга қўйилганди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маййитни кечаси қабрга қўйишдан қайтардилар. Фақат одам ноилож қолсагина, истисно қилдилар. Яна Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз биродарини кафанласа, кафанини яхши қилсин»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

399. Абул Ҳайяж Асадий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Алий ибн Абу Толиб менга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени юборган нарсага сени юборайми? Бирорта бут-санамни қўймай йўқ қиласан. Бирорта кўтарилган қабрни қўймай текислайсан», деди».

Муслим ривоят қилган.

400. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди Муҳаммадга онасини зиёрат қилишга изн бўлди. Бас, у(қабр)ларни зиёрат қилинг. Албатта, улар охиратни эслатади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.